

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАНАЗАРОВА ГУЛЁРА БАХТИЯРОВА

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ
БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

УДК: 658.114.4+338.24(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economical sciences**

Шаназарова Гулёра Бахтияровна

Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш
механизмларини такомиллаштириш 3

Шаназарова Гулёра Бахтияровна

Совершенствование механизмов управления инновационным
потенциалом на промышленных предприятиях 25

Шаназарова Гулёра Бахтияровна

Perfection of the mechanism of management of innovative potential
in the industrial enterprises 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАНАЗАРОВА ГУЛЁРА БАХТИЯРОВА

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ
БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.3.PhD/Iqt.360 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdiu.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нуримбетов Равшан Ибрагимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимова Дилфуза Нигматовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Абдураупов Рустам Раъзович
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент Молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 232-01-49, e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 232-01-49, e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги № ___ рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю. Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.С. Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

Н. М.А. Маҳкамova

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ(Фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда кечаётган глобаллашув жараёнлари ва кескин рақобатчилик шароитида бутун дунё бўйича мебель саноатининг 65 фоиздан кўпроғи саноати ривожланган барча мамлакатлар ҳиссасига тўғри келса, шундан, ишлаб чиқарилган мебель маҳсулотларининг 50 фоиздан кўпроғи 7 та мамлакат-АҚШ, Италия, Германия, Япония, Буюк Британия, Канада ва Франция ҳиссасига, қолган 35 фоиз улуш эса ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирги даврда Лотин Америкаси, Жанубий-Шарқий Осиё ва Шарқий Европа мамлакатларининг экспортдаги фаол иштироки ҳисобига мебель ишлаб чиқаришнинг ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига келгуси ўсиши кутилиб, хусусан, кейинги йилларда мебель ишлаб чиқариш ҳажми жадал суръатлар билан Хитой ва Польшада кузатилмоқда. Жами мебеллар умумий ҳажмининг 86 фоизини маиший, шундан 20 фоизи юмшоқ мебеллар, 14 фоизини эса корхона, офис, касалхона ва ресторан мебеллари ташкил этади¹.

Жаҳон амалиётида тўпланган илғор ижобий тажрибадан келиб чиқиб, республика мебель ишлаб чиқариш саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизми самарадорлигини оширишнинг илмий асосларини такомиллаштириш замонавий илмий-амалий ёндашувларни хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида маҳаллий мебель ишлаб чиқариш саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда миллий мебель саноати бошқарув тизимини такомиллаштириш, мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш бозорларини ривожлантириш, тармоққа хорижий инвестициялар ва инновацияларни фаол жалб қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати республикада энг тез суръатларда ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Агарда 5-8 йил олдин мамлакат ички бозорининг 65-70 фоиз маҳсулотлари хорижий ишлаб чиқарувчилар ҳисобига шакллантирилган бўлса, бугунги кунда бозорнинг деярли 90 фоизи ўзимизнинг юқори сифатли маҳаллий маҳсулотларимиз ҳисобига қондирилмоқда². Республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси диққат марказида турган энг муҳим устувор вазифалардан бири ҳам – миллий иқтисодиётнинг таркибида саноат улушини кўпайтириш, юқори технологияли саноат тармоқларини жадал ривожлантириш, модернизация ва диверсификация қилиш, ҳар бир ҳудуднинг

¹ Обзор мирового рынка мебель. http://export.by/s_docs&mode=view&id=26305&type=&doc=64; <http://www.meb-expo.ru/ru/articles-about-mebel/obzor-rynka-mebeli/>; https://businessstat.ru/world/durable_goods/furniture_interior/furniture_for_business/analiz_mirovogo_rynka_mebeli_dlya_biznesa_i_obwestvennogo_sektora

² www.advantour.com/rus/uzbekistan/tashkent/exhibitions/mebel-expo.htm

саноат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш³» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси мамлакатимизда мебель саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сонли «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» да амалга оширишга оид Фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал қилишда ҳам мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакиллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат корхоналари инновацион салоҳиятини баҳолаш ва бошқариш, инновацион салоҳиятнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва назарий-услубий жиҳатлари, бошқариш механизмлари муаммоларига хорижлик олимларнинг илмий ишларида муҳим эътибор қаратилган. Жумладан, хорижлик муаллифлардан М.Догдсон, Г.Гросси, Ж.Генри, Д.Уолкер, П.Друкер, М.Портер, Ф.Вестлей, Х.Минзберг, Б.Такер, Й.Шумпетер кабиларнинг илмий тадқиқотларида замонавий инновацион менежмент назарияси масалалари кенг ёритилган².

МДХ мамлакатлари олимларидан инновацион салоҳиятни бошқариш ва унга тизимли ёндашув муаммолари А.Абалкин, В.Абрамов, Е. Балацкий, П.Завлин, Е.Лаптева, А.Мазин, В.Медынский, Р.Фатхутдинова каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган³.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 3.2 банди \\\ lex.uz

² Dodgson M. The management of technological innovation: An international and strategic approach. Oxford University Press, 2000, 248p.; Такер Р. Инновации как формула роста / Р. Такер. – М.: Олимп – Бизнес, 2006. – 240 с.; Grossi G. Promoting Innovation in a big business. Long range planning. Vol. 23, N1, 1990, 240p.; Шумпетер И. Теория экономического развития / И. Шумпетер. -М.: Директ-Медиа, 2007. 400 с.; Henry, J. and Walker, D. Managing Innovation, London: Sage Publications, 1991, 367p.; Westley, F., Mintzberg, H. Visionary leadership and strategic management, Strategic Management Journal, 1995, P. 32.

³ Абалкин Л. И. Экономическая энциклопедия / Л. И. Абалкин. – М.: Экономика, 1999. – 1055 с.; Абрамов В.И. Методология оценки инновационного потенциала предприятия / В. И. Абрамов // Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Общественные науки. – 2012. - №4. – С.130-137.

Мамлакатимизда бевосита саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни ривожлантириш муаммолари Б.Ходиев, С.Ғуломов, Н.Йўлдошев, Ш.Зайнутдинов, М.Маҳкамова, Р.Нурибетов, Ш.Мирсаидова, Й.Голдман И.Умаров, С.Саидкаримова, Ш.Облоқулова, Ш.Мустафақулов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган⁴.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация ишини Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий ишлари режасининг ПЗ - 20170928153 рақамли «Корхоналарни инновацион ривожлантириш шароитида вертикал интеграциядан самарали фойдаланиш йўллари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодиётни либераллаштириш шароитида инновацион салоҳиятни шакллантиришнинг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ қилиш;

саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни ривожлантириш ва бошқариш омиллари ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

таркибий ўзгаришлар шароитида мебель саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

мебель саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқаришнинг иқтисодий механизмлари самарадорлигини баҳолаш;

инновацион салоҳиятни бошқариш стратегиясини ривожлантириш механизмларини тадқиқ қилиш ва мебель саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш самарадорлигини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш;

мебель саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқаришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш.

Балацкий О. Ф. Экономический потенциал административных и производственных систем: Монография/ под общ. ред. О. Ф. Балацкого. - сумы: Унив. книга, 2006. - 973с.; Завлин П. Н. Инновационная деятельность в современных условиях / П. Н. Завлин // Информационное агентство Финмаркет. – 2005. – 24 марта 2008г.; Лаптева Е.А. Проблемы оценки инновационного потенциала промышленных предприятий // Управление экономическими системами. - 2014. - № 8.; Мазин А. Классификация показателей оценки инновационного потенциала предприятия / А. Мазин // Alma mater. - № 5 (11). – С. 57-60; Медынский В. Г. Инновационный менеджмент / В. Г. Медынский. – М. : Финансы и статистика, 2005. – 295 с.; Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов. 6-е изд. СПб.: Питер, 2008. 448 с.

⁴ Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менежмент – Т.: ТДИУ. Дарслик 2011. 286-б.; Ш.Н.Зайнутдинов. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 1, сентябр 2011; Нурибетов Р.И. <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/47582--innovatsion-salohiyat--zamonaviy-iqtisodiyotni-rivojlantirish-poydvor/> И.Умаров, С.Саидкаримова, Ш.Облоқулова. Саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти кўрсаткичлари таҳлили// «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2015 йил.; Ш.Мустафақулов худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион салоҳиятига баҳо беришнинг мавжуд услублари таҳлили //Молия ва банк иши электрон илмий журнали, 3-сон апрель, 2016 5-16 бетлар.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси мебель саноати соҳасида фаолият юритаётган корхоналар, хусусан, «Файз» МЧЖ қўшма корхонаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни баҳолаш ҳамда бошқариш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий мушоҳада, абстракт-мантикий фикрлаш, суҳбат, статистик, иқтисодий, молиявий, корреляцион-регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш омилларининг муҳимлилик даражалари уларнинг таркибий қисмлари асосида аниқланган;

мебель саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичлари тизими инновацион салоҳиятини баҳолашнинг мезонли қийматларини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

мебель саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш стратегиясини ривожлантириш механизми инновацион салоҳиятни баҳолашнинг компонент усули асосида такомиллаштирилган;

«Файз» МЧЖ қўшма корхонасида инновацион салоҳиятни бошқаришда инсон капитали ролининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири аниқланган ва корхонада инновацион салоҳиятни бошқариш механизми ходимлар малакасини ошириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналари инновацион салоҳиятига таъсир этувчи омиллар турлари ва уларнинг таснифи тизимлаштирилиб, уларнинг муҳимлик даражалари асослаб берилган;

мебель саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқаришнинг иқтисодий механизмлари самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

иқтисодиётни истиқболли ривожлантириш шароитида мебель саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш стратегиясини янада ривожлантириш механизмлари асослаб берилган;

рақобатчилик шароитида мебель саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда фойдаланилган ахборот базасини ишончлилиги уларнинг расмий манбалардан олинганлиги билан, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ишончлилиги республика саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга қай даржада мувофиқлиги ҳамда тегишли хулосаларни мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этишга қабул қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлардан саноат тармоқлари, хусусан, мебель саноати корхоналарида

инновацион салоҳиятни бошқариш механизмларини янада ривожлантиришга оид назарий-методологик ва услубий аппарат шакллантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни янада ривожлантириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган хулоса ва назарий билимлардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида, «Файз» холдинг компанияси тасарруфидаги мебель ишлаб чиқарувчи корхоналарда, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар, маърузалар матни, кейс стабилар, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш омилларининг муҳимлилик даражалари ҳамда уларнинг таркибий қисмларини ривожлантириш йўллари аниқланган ва «Файз» холдинг компанияси фаолиятига жорий этилган («Файз» холдинг компаниясининг 2018 йил 4 апрелдаги ДТ285/05-сон маълумотномаси). Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқаришга таъсир этувчи асосий омиллардан самарали фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган таклифларнинг амалиётга жорий этилиши, инновацион салоҳиятни бошқариш самарадорлигини 8 фоизга ўсишини таъминлаган;

мебель саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичларидан фойдаланиш «Файз» холдинг компанияси фаолиятига жорий этилган («Файз» холдинг компаниясининг 2018 йил 4 апрелдаги ДТ285/05-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши «Файз» маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси инновацион салоҳиятининг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичларининг ижобий томонга ўсиш суръатларини 10 фоизга ошириш имконини яратган;

мебель саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш стратегиясини ривожлантириш борасидаги таклифлар ва инновацион салоҳиятни баҳолашнинг компонент усули «Файз» холдинг компаниясининг 2017 йил 5 октябрдаги 125-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. Инновацион салоҳиятни бошқариш стратегиясини ривожлантириш борасидаги амалий тавсиялар ва инновацион салоҳиятни баҳолаш усулини қўллаш компания тасарруфидаги корхоналарда инновацион салоҳият самарадорлигини 12 фоизга ошириш имконини берган;

«Файз» МЧЖ қўшма корхонасида инновацион салоҳиятни бошқаришда инсон капитали ролининг ошишини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ижобий таъсири юзасидан берилган илмий янгилиги «Файз» холдинг компанияси фаолиятига жорий этилган («Файз» холдинг компаниясининг 2018 йил 4 апрелдаги ДТ285/05-сон маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши «Файз» МЧЖ қўшма корхонасида

инновацион салоҳиятни бошқаришда инсон капиталидан фойдаланиш бўйича меҳнат унумдорлигини 10.5 фоизга ошириш имконни берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 дан ортиқ республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси импакт факторли хорижий илмий журналларда ҳамда 5 та маъруза тезисларни нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 149 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Иқтисодий либераллаштириш шароитида саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш усуллари ривожлантиришнинг назарий асослари»** деб номланиб, унда саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш усуллари ривожлантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари, саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқаришга таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг таснифи, саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни оширишнинг ташкилий-иқтисодий асослари ва баҳолаш усуллари тадқиқ этилган.

Замонавий иқтисодий назарияларнинг деярли барчасида инновациялар ривожланишнинг манбаи сифатида тан олинган. Инновацион салоҳият нафақат алоҳида иқтисодий субъект, балки бутун бир тизимнинг ҳам ривожланишини таъминловчи алоҳида асосий ўсиш манбаи ҳисобланади.

Тадқиқотларга кўра, «инновацион салоҳият» атамаси биринчи марта К.Фримен томонидан қўлланилган⁵. Шунингдек, турли муаллифлар иқтисодий салоҳиятнинг «инновацион салоҳият» каби категория билан ўзаро алоқаларига турлича қарайдилар. Амалдаги салоҳиятни асосан, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши ташкилий даражасида эришилган ва ишлаб чиқариш аппаратининг салоҳият имкониятларидан максимал фойдаланиш даражасида яратилган асосий фондлар мажмуи ва соҳаларнинг ялпи маҳсулоти қиймати ёки давлатнинг умумий ЯИМини тавсифлайди.

⁵ Freeman C. The National system of innovation historical perspectives. Cambridge Journal of Economics, 1995. vol. 19. №1

Истикболдаги иқтисодий салоҳият эса, ресурслардан оптимал фойдаланиб, идеал ишлаб чиқариш шароитларида эришиладиган товар ва хизматларнинг мумкин бўлган энг юқори ҳажмда ишлаб чиқарилишини олдиндан белгиловчи хўжалик тизимининг максимал имкониятлари орқали белгиланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, инновацион салоҳият иқтисодий салоҳиятнинг энг муҳим қисмларидан бири саналади ва илмий адабиётларда инновацион салоҳият тушунчаси кенг тарқалган илмий-техник салоҳият тушунчаси билан ҳам бир қаторда қўлланилади.

Кенг маънода илмий-техник салоҳият, ушбу тизимнинг ривожланиш даражасини, ресурсларнинг сифат ва миқдорига боғлиқ ҳолда тавсифловчи, ушбу имкониятлардан амалиётда фойдаланишга мўлжалланган ғоя ва ишланмалар жамғармасининг мавжудлиги, иқтисодий тизимининг илмий-техник имкониятлари мажмуи сифатида белгиланади. Инновацияларни амалда жорий этиш жараёнида илмий-техник салоҳият қўлланилади. Шундай экан, илмий, илмий-техник ва инновацион салоҳиятлар ягона инновацион циклнинг ўзаро боғлиқ ва бир-бирларини тўлдирувчи таркибий қисмлари ҳисобланади.

Баъзи муаллифларнинг фикрича, инновацион жараённинг ўзи ҳам 5 та босқичдан иборат бўлиб улар инвенция, новация, инновация, диффузия, рутинизацияни ўз ичига олади⁶. Демак, инновацион салоҳият тушунчаси турли ишланмалар ва тадқиқотларни амалга оширувчи ташкилотларнинг сони, фаолияти унумдорлиги, самарадорлиги, интеллектуал мулк объектлари, инновация соҳасидаги мутахассислар, олимлар, кадрлар сони, молиялаштириш ва моддий ишлаб чиқариш базаси, илмий ахборотлар, инновация ва инновацион фаолият ахборотлари, илмий мактаблар ва уларнинг миллий, дунё илм-фанида тутган ўрни кабиларни ўз ичига олувчи инновацион фаолият ресурсидир⁷.

Тадқиқотда хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишларида ихтиро ва инновация тушунчаларига берилган таърифлар ва ёндашувларни қиёсий ўрганиш асосида муаллиф ёндашуви баён этилган. Муаллифнинг фикрича, **ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТ** – хўжалик юритувчи субъектнинг мансублиги, мулкчилик шакли, ташкилий-ҳуқуқий мақоми, ўлчамидан қатъий назар ихтиёрий хўжалик юритувчи субъектнинг янги ишланмаларни ишлаб чиқиш, кашфиёт, ихтироларни, фойдали моделларни яратиш, фаолиятида самарали қўллаш бўйича мавжуд интеллектуал, молиявий, кадр, ахборот, моддий-техник ва бошқа ресурслари ҳамда имкониятлари йиғиндисидир.

Фикримизча, инновацион салоҳиятни ташкил этувчи асосий таркибий қисмлар сифатида кадрлар салоҳияти, молиявий-иқтисодий, илмий-техник салоҳият, ишлаб чиқариш-технологик ва ташкилий-бошқарув салоҳиятидан иборат бўлиб, саноат корхонасининг инновацион салоҳиятини ошириш учун


⁶ Евграфова И.Ю. Инновационный менеджмент М.: Окей-книга, 2009. - 84 с.

⁷ Ерина, А. Е. Управление научно-исследовательскими и опытно-конструкторскими работами // Современное общество, образование и наука; сборник научных трудов по материалам Международной научно-практической конференции 31 июля 2013 г.: в 5 частях. Часть 1; М-во обр. и науки РФ. - Тамбов: Изд-во ТРОО «Бизнес-Наука-Общество», 2013. – С. 59-62.

уларни тизимли равишда такомиллаштириб бориш лозим (1-расм).

Инновацион салоҳиятнинг бирор бир таркибий қисмининг йўқлиги ёки етишмаслиги, уни қайта кўриб чиқиш ва ривожлантириш зарурлигини тақозо этади. Саноат корхонасининг инновацион салоҳиятини оширишни фақатгина уни таркибий қисмларини ривожлантириш орқалигина амалга ошириш мумкин. Шу сабабли, ҳар қандай корхона инновацион салоҳиятини ошириш учун унинг таркибий қисмларини ривожлантириш лозим.

Олиб борилган изланишлар кўрсатишича, саноат корхонасининг инновацион салоҳиятини тўлақонли объектив баҳолаш жараёни, биринчидан, уни тавсифловчи асосий кўрсаткичлар таркибини аниқлаш, иккинчидан эса, уларга таъсир этувчи омилларнинг таъсир этиш даражасини баҳолашдан ташкил топади.



1-расм. Инновацион салоҳият динамикаси даражаси ва унга таъсир этувчи омиллар⁸

⁸ Муаллиф ишланмаси

Ушбу нуктаи назардан ишда саноат корхоналари инновацион салоҳиятини бошқаришга таъсир этувчи асосий омиллар тизимлаштирилди(2-расм).

Фикримизча, инновацион салоҳиятни баҳолашнинг **асосий мақсади** - корхонага бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлашга имкон берувчи инновацион стратегияни танлаш ва амалга ошириш ҳисобланади.



2-расм. Инновацион салоҳиятни бошқаришга таъсир кўрсатувчи асосий омиллар¹¹

Корхона инновацион салоҳиятини баҳолаш усуллариининг ривожланишида баҳолаш кўрсаткичлари таркиби ва уларнинг мезон қийматларини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади.

Баҳолаш кўрсаткичлари таркиби, корхона инновацион салоҳияти даражаси кейинчалик ҳам замонавий ва объектив қарорларни қабул қилиш мақсадида инновацион салоҳиятнинг ҳолати ва уни ташкил қилувчи таркибий қисмлари ҳақида етарли маълумотлар билан таъминланиши зарур.

Шундай экан, саноат корхоналари инновацион салоҳиятини баҳолашда унинг ташкил қилувчи таркибий қисмлари билан мос равишда тавсифловчи кўрсаткичларини тизимлаштириш зарур. Бундай кўрсаткичлар мажмуи унинг қўлланилишида оддийлик ва универсаллик талабларига жавоб бериши, лекин шу билан бирга корхона инновацион фаолияти ва салоҳияти ҳақида тўлиқ ҳамда аниқ маълумот бериши лозим.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарида **инновацион салоҳиятни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари таҳлили**» деб номланувчи иккинчи бобида Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва бошқаришнинг жорий ҳолати,


¹¹ Муаллиф ишланмаси

саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш механизмларининг замонавий ҳолати ва тенденциялари, таркибий ўзгаришлар шароитида мебель саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили келтириб ўтилган.

Тадқиқотда республикада инновацион фаолиятни ташкил этиш ва унинг ривожланиш жараёнига умумий баҳо бериш мақсадида маҳсулот, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналарнинг 2010-2016 йиллар мобайнидаги ўзгариш динамикасини таҳлил қилинган. Олиб борилган таҳлилларга кўра мамлакатимизда инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар кейинги 7 йил мобайнида 8.2 баробарга ошган. Яъни улар сони 2010 йилда 289 тани ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб, 2374 тага етганлигини кўришимиз мумкин⁹.

Маълумотларга кўра, инновацион фаолиятнинг ривожланиши агарда 2010-2012 йилларда унчалик юқори бўлмаган бўлса, 2013-2016 йилларда кескин ошганлигини кузатишимиз мумкин. Бундан ташқари мамлакатимизда инновацион фаолият миқдорий жиҳатдан ўсиш тенденциясига эга, бироқ мазкур жараёни янада чуқурроқ таҳлил қилиш натижасида ҳисобот йилида биринчи марта инновацияларнида ўзлаштирилган корхоналар сони ва уларни жами инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар сонига нисбатан сезиларли ўзгаришлар рўй берганлигини кузатиш мумкин(3-расм).

Республика бўйича биринчи марта инновацияларни ўзлаштирилган корхоналар сони 2012 ва 2016 йилларни инобатга олмасак, доимий ўсиш тенденциясига эга бўлган натижада мазкур кўрсаткич 229 тадан 925 тага ошган. Бироқ у энг юқори даражага 2015 йилда етган бўлиб, 1207 тани ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлар мамлакатимизда инновацион фаолиятнинг ривожланиб келаётганлигидан далолат беради. Аммо, таҳлилларимизни нисбий кўрсаткичлар асосида амалга оширсак, бошқача вазиятга дуч келамиз.



3-расм. Ҳисобот йилида биринчи марта инновацияни ўзлаштирган корхоналар ва уларнинг жами инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар сонигаги улуши¹⁰

⁹ Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (www.stat.uz)


¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (www.stat.uz)

Биринчи марта инновацияни ўзлаштирган корхоналар ва уларнинг жами инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналардаги улуши аниқлаб олинди. Ушбу кўрсаткич динамикасига эътибор қаратсак, 2010 йилда 79.2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилдан келиб, 39 фоизни ташкил этган. Бу ердаги асосий камайиш кейинги 3 йилда содир бўлган бўлиб, хусусан, 2016 йилда кескин пасайганлигини кузатишимиз мумкин.

Ушбу ҳолатни янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида ишда инновацион маҳсулот, ишлар, хизматлар ҳажми ва харажатлар динамикасининг 2010-2016 йиллардаги ҳолати таҳлил қилинди. Келтирилган иккита кўрсаткичдан фойдаланган ҳолда биз нисбий кўрсаткичлар ҳисоб-китоби амалга оширилди. Инновацион харажатлар самарадорлигини баҳолаш мақсадида инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмини харажатлар ҳажмига тақсимлаб, ҳар бир бирлик харажат эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдор кўрсаткичи аниқланган.

Мазкур кўрсаткич қанча юқори бўлса, самарадорлик ҳам шунча юқори бўлади. Амалга оширилган ҳисоб- китобларна кўра, инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг барқарор ўсиш тенденцияси таъминланган бўлишига қарамай, харажатлар миқдори ўзгарувчан бўлган (4-расм).

Натижада ҳар бир харажат эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори юқори бўлган йилларда харажатлар минимал даражада бўлган. Хусусан, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 11.7 сўмни ташкил этган бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги кескин ўсиш ва маҳсулот бирлигига харажатлар камайиши таъминланган.



4-расм. Ҳисобот йилида биринчи марта инновация ўзлаштирган корхоналар ва уларни жами инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар сонидagi улуши¹¹

Харажатлар ҳажми 2012 йилда олдинги йилга нисбатан 16 фоизга камайган бўлсада, инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажмида олдинги йилга нисбатан 2.7 баробарга ўсиш бўлган. 2016 йилга

¹¹Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (www.stat.uz)

келиб эса харажатлар миқдорида кескин ўзгаришюзага келиб, ҳар бир харажат бирлигига тўғри келадиган инновацион маҳсулот миқдори 4,2 сўмга тенг бўлган.

Диссертацияда «Файз»холдинг компанияси таркибидаги «Файз» МЧЖ кўшма корхонаси мисолида Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқаришнинг иқтисодий механизмлари таҳлили амалга оширилган. Даставвал холдинг таркибига кирувчи корхоналар динамикасидаги ўзгаришга эътибор қаратилса, улар сонидаги камайиш тенденцияси, ўз навбатида, корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларидаги пасайиш тенденциясига олиб келган. Статистик маълумотларга мурожаат қилсак, агар холдинг таркибида 2010 йилда 25 та корхона мавжуд бўлган бўлса, 2016 йилга келиб, уларнинг сони 12 тани ташкил этган холос.

Таҳлилларимизга кўра, 2010 йилда умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган иш ва хизматлар ҳажми 10 фоизга камайган, аммо корхоналар сони биттага ортиши натижада ҳар бир корхонага тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган иш ва хизматлар ҳажми эса 13 фоизга камайган. Хулоса қиладиган бўлсак, умумий ишлаб чиқариш ҳажми камайиши билан бирга корхоналар сони ошиши натижасида ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражаси пасайган. 2011 йилда эса мазкур кўрсаткичлар мос равишда 14 ва 6 фоизни ташкил қилган бўлиб, бу корхоналар сонини иккитага камайиши натижасида содир бўлган. 2012 ва 2013 йилларда деярли бир хил вазият кузатилган бўлиб, иккала кўрсаткичнинг олидинги йилга нисбатан фоиздаги ўзгариши деярли бир хил. 2014 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган иш ва хизматлар ҳажми 6 фоизга камайган бўлса, ҳар бир корхонага тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган иш ва хизматлар ҳажми 9 фоизга ошган. 2015 йилда корхоналар сонида кескин ўзгариш содир бўлган бўлиб, 18 тадан 12 тага тушиб қолган. Натижада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган иш ва хизматлар ҳажми олдинги йилга нисбатан 74 фоизга камайган. 2016 йилда корхоналар сони ўтган йилга нисбатан ўзгаришсиз қолган натижада иккала кўрсаткични ҳам ўтган йилга нисбатан 23 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Маълумки, инновацион фаолиятни амалга оширишда инвестициялар роли беқиёс ҳисобланади. «Файз»МЧЖ ҚК да инновацион фаолият таҳлили кўрсатишича, инновацияларни молиялаштириш, жумладан, инвестициялар дастури бўйича маблағларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши борасидаги йўналишлар муҳим аҳамият касб этади (1-жадвал). Келтирилган 1-жадвал маълумотлари асосида «Файз»МЧЖ ҚКга инвестиция дастурлари бўйича маблағларни жалб қилиш ва ўзлаштириш даражасини таҳлил қилсак, 2011 ва 2014 йилларга эътибор қаратмоқчимиз чунки ушбу йилларда инвестициялар дастури бўйича маблағларни жалб этиш ўзлаштиришдан юқори бўлиб, мазкур йилларда инвестицион дастур бўйича маблағларни ўзлаштириш мос равишда 85 ва 52 фоизгагина бажарилган холос. 2012 йилда инвестиция дастури бўйича маблағларни жалб этиш 419 минг долларга тенг бўлгани холда

ўзлаштирилган маблағлар 670 минг долларни ташкил қилган. 2015-2016 йилларда инвестиция дастури бўйича маблағларни жалб қилиш ва ўзлаштириш амалга оширилмаган. Шу билан бирга маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши ҳам қуйи нуқтага етган.

1-жадвал

«Файз»МЧЖ ҚҚда инвестиция дастурлари бўйича маблағларни жалб этиш ва ўзлаштириш ҳамда маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши динамикаси¹²

Йиллар	Инвестиция дастурлари бўйича маблағларни жалб этиш	Инвестиция дастури бўйича маблағларни ўзлаштириш	Маҳаллийлаштириш дастурини бажариш
	минг доллар	минг доллар	млн. сўм
2009	2000.0	2000.0	14749.0
2010	700.0	700.0	15200.0
2011	730.0	620.0	8700.0
2012	419.0	670.0	14500.0
2013	200.0	200.0	15567.0
2014	329.0	170.0	6510.0
2015	0.0	0.0	2950.0
2016	0.0	0.0	40.0

Таҳлилларимизга кўра, маҳаллийлаштириш дастурини бажариш бўйича ўзлаштирилган маблағ миқдори билан меҳнат унумдорлиги орасида юқори боғлиқлик мавжудлигини кўришимиз мумкин. 2016 йилда меҳнат унумдорлиги таҳлил қилинаётган даврдаги энг қуйи даражасига етган ва 6.3 миллион сўмга тенг бўлган. Олиб борилган таҳлилларимиз асосида хулоса қилсак, корхонанинг инновацион салоҳиятни оширишга таъсир этувчи кўрсаткичларнинг пасайганлиги кузатилади. Ачинарлиси 2015-2016 йилларда дастур бўйича ўзлаштирилган инвестициялар миқдори 2016 йилда маҳаллийлаштириш бўйича ўзлаштирилган маблағлар миқдори нолга тенг бўлган. Фикримизча инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштиришга эътибор қаратилиши инновацион салоҳиятни оширишга хизмат қилади.

Диссертациянинг «Иқтисодийни диверсификациялаш шароитида мебель саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмлари самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобида мебель саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқаришнинг иқтисодий механизмлари самарадорлигини баҳолаш, мебель саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш стратегиясини ривожлантириш механизмлари, инновацион салоҳиятни бошқариш самарадорлигини баҳолаш усуллари такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари келтириб ўтилади.

Тадқиқотда инновацион салоҳиятни баҳолашнинг 9 та гуруҳга мансуб 21 та кўрсаткичи ҳамда уларни ҳисоблаш формулари ишлаб чиқилган ҳолда «Файз»МЧЖ ҚҚнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш натижасида унинг инновацион салоҳият даражаси кўрсаткичлари аниқланди (2-жадвал).

¹² «Файз»МЧЖ ҚҚ йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси

**«Файз»МЧЖ қўшма корхонасининг инновацион салоҳиятини
компонент усулда баҳолаш кўрсаткичлари, млн.сўм.¹³**

Кўрсаткичлар	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й
Умумий ишчилар сони	496	467	98	71	71	87	85
илмий даража ва унвонга эга ишчилар сони	2	2	2	1	1	1	1
ИТТКИда банд бўлган ишчилар сони	4	4	1	1	1	1	1
Қайта таълим олган, малака оширган ишчилар сони	52	0	5	1	6	4	2
Бошқарувчи ва мутахассислар умумий сони	51	55	6	10	20	12	12
Олий маълумотга эга бошқарувчи ва мутахассислар умумий сони	47	43	11	5	14	8	7
Корхона хусусий капитали	14289	13570	1278	11106	10306	9488	9578
Асосий воситалар	9790	10442	12425	13789	13419	14002	14141
Корхона умумий капитали	21936	24215	25719	20718	24695	23024	23476
Асосий и/ч фондларининг йиллик ўртача қиймати	9790	10442	12425	13789	13419	14002	14141
Янгидан киритилган асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати	920	1174	246	63	43	120	74
Юклар жўнатилган маҳсулотлар, амалга оширилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга сарфланган харажатлар	14358	10488	8745	10505	1988	7740	5965
Юклар жўнатилган инновацион товарлар	1005.06	786.6	699.6	871.915	133.196	503.1	453.34
Технологик инновацияларга сарф-харажатлар	1772.349	3197.805	790.1354	147.9776	256.3029	364.6282	45
Тадқиқот ва ишланмаларга харажатлар	590.783	955.1884	210.036	22.11159	4.973166	74.68288	3.590805
Ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш харажатлар	58	8	5	1	5	4	1.5
Машина ва ускуналар сотиб олишга харажатлар	920	1174	246	63	87	120	20
Технологияларни сотиб олишга харажатлар	18	14	8	6	4	2	5
Номодий активлар қиймати	11338	11338	11338	11338	11338	11338	11338
Оборотдан ташқари активларнинг қиймати	7483	8257	9334	9625	9383	10129	9795
И/ч инновацияларнинг сони	8	9	7	9	8	7	6
Амалиётга татбиқ қилинган инновациялар сони	3	3	4	5	4	3	4

¹³ «Файз»МЧЖ қўшма корхонаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Бундан ташқари ишда корхона инновацион салоҳиятини тўлиқ баҳолаш мақсадида сўровнома ўтказиш таклиф қилинган бўлиб, унда қуйидагиларга эътибор қаратиш белгиланган: корхона ташкилий тузилмаларининг инновацион жараён мақсад ва вазифаларига мос келиш даражаси; ходимларни рағбатлантириш тизимининг инновацион жараён мақсад ва вазифаларига мос келиш даражаси; корхона ходимларининг инновацияларга тайёрлик даражаси.

Амалга оширилган ҳисоб-китоб натижаларига асосланган ҳолда 2016 йил учун «Файз»МЧЖ ҚҚда инновацион салоҳиятни бошқариш фаолияти кўрсаткичлари уч гуруҳга ажратиб баҳоланди: юқори даража 7.5 юқорини ташкил этган коэффициентлар; ўрта даража 4 ва ундан юқори 7.5 дан кичик бўлган коэффициентлар; қуйи даража 0 дан 4 гача бўлган коэффициентлар.

Олинган кўрсаткичларнинг 40 фоизи инновацион салоҳиятнинг юқори даражасига мос келувчи ораликқа тўғри келса, 35 – ўрта даражасига ва 25 - инновацион салоҳиятнинг қуйи даражасига тўғри келган. Инновацион салоҳиятнинг интеграл қиймати аниқланганда корхона инновацион салоҳияти ўрта даражасига мос тушади, яъни коэффициент 6.0 га тенг бўлган.

Ходимларни қайта тайёрлов ва малака оширишдан ўтган ишчилар улуши кўрсаткичининг қиймати қуйи даражада бўлиб, у кейинги йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг асосий сабаби «Файз»холдинг компанияси таркибига кирувчи корхоналарнинг мустақил корхона сифатида ажралиб чиқиши бўлиб, бунинг натижасида ходимлар сони ва таркибида ўзгаришлар содир бўлмоқда. Шунга қарамай, тадқиқот ва ишланмалар билан шуғулланаётган, илмий даража ва унвонга эга ишчилар улуши юқори даражага, юқори ва ўрта бўғин менежерлар маълумотлилик даражаси ҳамда ходимларни ўқитиш харажатлари инновацион салоҳиятнинг ўрта даражасига тўғри келади. Бу эса қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтган ишчилар улуши кўрсаткичини ошириш имкониятлари мавжуд эканлиги ва бу вақтинчалик ҳолат эканлигини асослайди. Бу эса, корхона инновацион салоҳиятининг умумий даражасига ижобий таъсир этувчи, таълим олган ёки малакасини оширган ходимлар сони ошишини билдиради.


